



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
БОШЛИҒИНИНГ
БҮЙРУҒИ**

**Олий таълим муассасалари рейтингни аниқлаш жараёнига оид назорат
ишлари ва ижтимоий сўровномаларни ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари рейтингни аниқлаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 467-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда – ОТМ) профессор-ўқитувчиларини чет тиллари бўйича, юқори босқич талабаларини мутахассислик фанлари бўйича билим даражасини аниқлаш юзасидан тест синовлари ҳамда ижтимоий сўровномалар ўтказиш графиги 1-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини чет тиллари бўйича, юқори босқич талабаларини мутахассислик фанлари бўйича билим даражасини аниқлаш юзасидан тест синовлари ҳамда ижтимоий сўровномаларни ўтказувчи ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳлар) таркиби 2-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан назорат ишлари ва сўровномалар ўтказиш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Назорат материалларини шакллантириш ва синовларни ташкил этиш бўлими (Р.Тожибоев):

жорий йилнинг 20 май кунига қадар барча ОТМлар учун чет тиллари ва мутахассислик фанларидан белгиланган тартибда тест саволлари базасини шакллантирсин;

жорий йилнинг 31 май кунидан 9 июнь кунига қадар аниқ вақт режимида (online) тест синовларини ўтказишни ташкил этсин.

3. Кадрлар тайёрлаш сифатини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда рейтинглар тузиш бўлими (А.Алимов):

жорий йилнинг 20 май кунига қадар тест синовларига жалб қилинадиган талабалар ва профессор-ўқитувчилар рўйхатини шакллантирсин;

Таълим инспекциясининг худудий бўлимлари билан биргаликда жойларда тест синовларини холис ва шаффоф ўтишини таъминласин;

тест синовлари ўтказиладиган ОТМларга тест ўтказиш кунлари, тартиби, компьютерлар билан жиҳозланган аудиториялар ва Интернет тармоғининг яхши ишлашини таъминлаш чоралари кўрилиши ҳақида маълум қилсин.

4. Ишчи гуруҳлар таркибига киритилган Таълим инспекцияси ходимлари 2021 йил 31 майдан худудларга хизмат сафарига юборилсин ва хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар уларнинг асосий иш жойларидан тўлансин.

5. Ижро интизомини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлаш бўлими (Ж.Мусурмонов) бир кун муддатда мазкур буйруқни барча манфаатдор шахслар эътиборига етказсин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Таълим инспекцияси бошлиғи ўринбосари О.Қўйсинов ва Таълим сифатини мониторинг қилиш бош бошқармаси бошлиғи А.Махмудов зиммасига юклансин.

Бошлиқ

У.Ташкенбаев

Тошкент ш.,
2021 йил "18" май,
"19/с"-сон

Таълим сифатини назорат қилиш
 давлат инспекцияси бошлиғининг
 2021 йил 18 майдаги 1916-сон
 буйруғига 2-илова

Олий таълим муассасаларида назорат ишлари ва сўровномаларни ўтказиш муддатлари ва ишчи гуруҳлар таркиби

Худудлар	Ишчи гуруҳнинг жўнаб кетиш санаси	Худудда тест ўтказиладиган ОТМлар ва тест ўтказиш саналари	Ишчи гуруҳлар таркиби
1-ишчи гуруҳ			
Қорақалпоғистон Республикаси	26.05.2021	ҚДУ (31.05-05.06.2021)	Самандаров Ғ -ишчи гуруҳ раҳбари Бердимуратов К., Сейтаниязов Д., Асомиддинов Э
2-ишчи гуруҳ			
Хоразм вилояти	26.05.2021	УрДУ (31.05-04.06.2021)	Бобоназаров Ф - ишчи гуруҳ раҳбари Полвонов А., Алламов О., Оллаберганов М.
3-ишчи гуруҳ			
Бухоро ва Навоий вилоятлари	26.05.2021	БухДУ (31.05-05.06.2021) НавДПИ (07-08.06.2021)	Одилов И - ишчи гуруҳ раҳбари Ахмедов А., Камалов И., Мусаев Э.
4-ишчи гуруҳ			
Сурхондарё вилояти	26.05.2021	ТерДУ (31.05-04.06.2021) ҚарДУ (05-09.06.2021)	Амиров Ғ - ишчи гуруҳ раҳбари Қаршиев А., Хидиров Ф., Камалов У.
5-ишчи гуруҳ			
Самарқанд, вилояти	26.05.2021	СамДУ (31.05-09.06.2021)	Саноев Ғ (Бухоро) . - ишчи гуруҳ раҳбари, Бобожонов Д., Рузиев Ю., Хусенов И
6-ишчи гуруҳ			
Андижон вилояти	26.05.2021	АндДУ (31.05-07.06.2021)	Алихонов Ш (Наманган) - ишчи гуруҳ раҳбари Мирзаев И., Рахимов А., Каримов И.
7-ишчи гуруҳ			
Фарғона вилояти	26.05.2021	ФарДУ (31.05-04.06.2021) ҚўқДПИ (31.05-01.06.2021)	Абдуллаев Ж – ишчи гуруҳ раҳбари Юлдашев Ш., Шавкатжонова Ш., Бакиров Т., Юсупов С.
Наманган вилояти	02.06.2021	НамДУ (05-09.06.2021)	
8-ишчи гуруҳ			
Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари	26.05.2021	ЖизДПИ (31-03.06.2021) ГулДУ (04-05.06.2021) ТДТУ ОФ (07.06.2021)	Тоғаев Ғ – ишчи гуруҳ раҳбари Музаффаров С., Қаршибоев Ш., Эшчанов Б.

		ТВЧДПИ 08-09.06.2021)	
ТОШКЕНТ ШАҲРИ			
9-ишчи гуруҳ			
Тошкент шаҳри	27.05.2021	ЎзМУ (31.05-08.06.2021)	Ҳ.Хусамбоева-ишчи гуруҳ раҳбари
			И.Бердияров -ЎзХИА бўлим бошлиғи
			С.Махкамова – ТДШУ бўлим бошлиғи
			Ю.Қодирова-ТДМРХОМ бўлим бошлиғи
10-ишчи гуруҳ			
Тошкент шаҳри	27.05.2021	ЎзДЖТУ (31.05-05.06.2021)	Ғ.Шамсиев-ишчи гуруҳ раҳбари
			С.Донаев-ТДТУ бўлим бошлиғи
			А.Матякубов-ТАҚИ бўлим бошлиғи
			Ш.Реджепов-ТАТУ бўлим бошлиғи
11-ишчи гуруҳ			
Тошкент шаҳри	27.05.2021	ТДИУ (31.05-08.06.2021)	А.Алимов -ишчи гуруҳ раҳбари
			Н.Каримов-ТДИУ бўлим бошлиғи
			О.Шерназаров-ТДСИ бош мутахассис
			О.Суннатов-ТДЎТАУ бўлим бошлиғи
12-ишчи гуруҳ			
Тошкент шаҳри	27.05.2021	ТДАУ (31.05-07.06.2021)	Ҳ.Исмаилов -ишчи гуруҳ раҳбари
			К.Зияев - ТДТрУ бўлим бошлиғи
			С.Инагомов -ЖИДУ бўлим бошлиғи
			М.Холиёров-ТТЕСИ бўлим бошлиғи
13-ишчи гуруҳ			
Тошкент шаҳри	29.05.2021	Таълим инспекцияси (31.05-08.06.2021)	О.Сатторов -ишчи гуруҳ раҳбари
			Ш.Ражабов-ТМИ бўлим бошлиғи
			О.Дадамирзаев-ЎзДСМИ бўлим бошлиғи
			А.Норбеков-ЎзДК бўлим бошлиғи

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан назорат ишлари ва сўровномалар ўтказиш

ТАРТИБИ

1. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини чет тиллари бўйича, бакалаврият юқори босқич талабаларини мутахассислик фанлари бўйича билим даражасини аниқлаш юзасидан тест синовлари ва улар билан ижтимоий сўровнома ўтказиш Давлат инспекцияси буйруғи билан тасдиқланган график асосида ўтказилади.
2. Тест синовларини ўтказувчи ишчи гуруҳлар таркибига Давлат инспекцияси ва унинг худудий бўлимлари ходимлари ҳамда ОТМлар таркибидаги таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари ходимлари киритилади. Улар тест синовларининг холис ва шаффоф ўтишларининг таъминлайдилар, бино, қават ва аудиторияларнинг тестга тайёрлиги, тест жараёнида видеокузатув воситаларининг ишлаб туриши, тест топширувчиларнинг ўз вақтида белгиланган жойга кечикмасдан келиши каби ишларни ташкил қилишда ОТМлар фаолиятини назорат қилади.
3. Ишчи гуруҳ аъзолари тест ўтказиладиган бинога эрталаб 7-30 дан кечикмасдан етиб келадилар.
4. Гуруҳ раҳбари Давлат инспекцияси ходимлари ва аудитория кузатувчиларини куръа ташлаш орқали аудиторияларга тақсимлайди ва тегишли шаклга имзо қўйдиради, уларга тест жараёни бўйича семинар ўтказилади.
5. Худудда тест синовлари ўтказиладиган ОТМнинг масъул оператори аудиторияларда тест жараёни видеотасвирга олинаётганлигини доимий назорат қилади ва бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбарига маълумот бериб туради.
6. Тест синовларига ОТМнинг асосий штатидаги (ички ўриндошлар билан бирга) барча профессор-ўқитувчилари ва Давлат инспекцияси томонидан танланган бакалаврият битирувчи босқич (гуруҳлар) талабалари жалб қилинади. Тест топшириш тили тест топширувчилар қайдномасида белгиланган бўлади.
7. Тест синовлари ҳар куни 5 сменада (соат 8-30, 10-00, 11-30, 14-30 ва 16-30да) ташкил қилинади.
8. Ишчи гуруҳ раҳбари аудитория кузатувчиларига тест топширувчиларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини тарқатади ва тегишли шаклга имзо қўйдиради.
9. Тест жараёнини бошлаш учун тест адресини компьютер web браузерига киритиш ва махсус паролни териш орқали амалга оширилади. Бу вазифани ишчи гуруҳ аъзолари томонидан амалга оширилади.
10. Тест синовлари бошланишидан олдин талабалар билан 15 дақиқа давомида ижтимоий сўровнома ўтказилади.
11. Тест синовлари компьютерларда онлайн тест тизими ёрдамида ўтказилади.
12. Тест топшириқлари:
 - а) профессор-ўқитувчилар учун: “Хорижий тил” бўйича 20 та тест саволи берилади;
 - б) талабалар учун иккита мутахассислик фанидан 20 тадан жами 40 та савол бўлади.
13. Тестларни ишлаш учун Профессор-ўқитувчиларга 30 дақиқа, талабаларга 60 дақиқа вақт берилади.
14. Ҳар бир аудиторияга хонадаги компьютер сизимига қараб тест топширувчилар киритилади.
15. Аудитория кузатувчиси тест топширувчиларни паспорти ва рўйхат бўйича текшириб аудиторияларга киритади.
16. Шахсни тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган ва белгиланган вақтдан кечикиб келган тест топширувчилар аудиторияга киритилмайди.
17. Тест синовлари ўтаётган аудиторияга шпаргалка, телефон, калькулятор, қоғоз, китоб, луғат, уяли алоқа воситалари, телекоммуникация воситалари, миникомпьютерлар ва бошқа

шу каби воситаларни олиб кириш ман этилади. Тест синовлари ўтказилаётган аудиторияларга ишчи гуруҳ аъзоларидан бошқа шахсларнинг кириши тақиқланади.

18. Тартибни бузган тест топширувчиларга нисбатан далолатнома тузилиб, аудиториядан четлаштирилади.

19. Тест саволлари бўйича эътирози бўлган тест топширувчилар аудиториядан чиқмасдан эътирозини ёзиб аудитория кузатувчиларига берадилар. Эътирозлар давлат инспекциясида мутахассислар томонидан кўриб чиқилади ва асосли деб топилган эътирозлар натижа чиқаришда инобатга олинади.

20. Тест топширувчилар тест жараёни тугагандан сўнг компьютерда ўз натижасини кўради ва тест топшириш қайдномасига имзо қўйиб аудиториядан чиқади.